

Ўзбек ва Озар халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталари мустаҳкамланиб бормоқда. Қуни кеча Тошкент шаҳрининг Мировод туманида Озарбойжон маданият маркази бунёд этилди.

Марказ қурилишининг ташаббускорлари юртимизда кўп йиллардан бери истикомат қилаётган озарбойжонликлардир. Улар Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги факультет ва мухтор элчисига ана шундай хайрли тақдир билан муносабат қилишган.

Марказ 3 қаватдан иборат бўлиб, кутубхона, спорт мажмуи, рақослик, музика санъати, расмчилик тўғрисидаги компьютер ва тил ўрганиш бўлимлари мавжуд.

Махмуа раҳбари Исмоил Мамедовнинг таъкидлашича, марказ ҳовлисида Озарбойжоннинг собиқ президенти, марҳум Ҳайдар Алиевнинг хайкали ўрнатилиши, яқин орада марказ жойлашган кўча унинг номи билан аталиши Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлари янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ш. ЖАЛИЛОВА



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УОШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 24 март, чоршанба № 51 (1684)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таклифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 23 март куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди

«Дўрмон» қароргоҳида олий мартабада меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев шох-супага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтидилар.

Икки мамлакат раҳбарларининг яққола-яққола суҳбати бошланди. Дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг ҳозирги аҳоли ва истиқбол, томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар муҳокама этилган масалалар юзасидан томонларнинг нуктаи назари ўхшаш ва яқин эканлигини қайд этдилар.

Ислон Каримов халқларимизнинг азалий дўстлиги, урф-одатлари, маданияти яқинлиги, тили ва дини бирлиги ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун катта имконият эканлигини таъкидлади. Илҳом Алиевнинг ташрифини Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа, деб атади.

Илҳом Алиев ўзаро муносабатларни ривожлантиришда Ислон Каримовнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлади. Шўро салтанати пароканда бўлганидан кейин икки томонлама ҳамкорлик алоқалари фақат Ўзбекистон ва Озарбойжон раҳбарларининг ўзоқни кура билан, бамаънаҳат иш юритиши туфайли сақланиб қолди ва ривожланиш йўлидан борди, деди Илҳом Алиев.

Ислон Каримов Ўзбекистон Озарбойжонни Жанубий Кавказдаги асосий шериги деб билишини таъкидлади. Бу икки минтақада кўплаб давлатларнинг манфаатлари тўташаётгани ҳам Ўзбекистон ва Озарбойжонни бир-бирига яқинлаштиради.

Президентлар хавфсизлик муаммоларига, жумладан, халқаро террорчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш масалаларига эътибор қаратди. Ҳозирги шароит бу борада мувофиқлаштирилган тартибда баҳамжиҳат иш кўришни тақозо этиши таъкидланди, мазкур муаммолар юзасидан маслаҳатлашувларни ва амалий ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, террорчилик каби иллатларга муносабат билдиришда икки томонлама ҳамкорликни яқинлаштириш зарур. Мамлакатлар, қайси қўринишда бўлишдан қатъи назар, бундай иллатларга қарши қатъий курашиши керак.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада Ўзбекистон-Озарбойжон ҳамкорлигига доир қатор масалалар муҳокама қилинди. Иқтисодий ҳамкорлик кўрсаткичлари имконият даражасида эмаслиги таъкидланди. Лекин томонлар бу хусусда келажакка ишонч билан қармоқда. Охириги вақтларда савдо-иқтисодий алоқаларимиз фаоллашмоқда. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида у бутун 2003

йилдаги кўрсаткичдан икки баробар кўпайди. Президентлар шундай суръат сакланиб қолиши учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Ислон Каримов Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Озарбойжон ҳукуматларига қўшма комиссия самарали фаолият юритаётганини таъкидлар экан, шу ой ўрталарида унинг мажлиси бўлиб ўтганига қарамай, яна бир йилги шикоят этиш зарурлигини айтди. Комиссия Президентлар учрашуви якунларидан келиб чиққан ҳолда, ишга солинмаётган ва янги имкониятларни топиши, ҳамкорлик кўламини кенгайтиришнинг муайян йўллари белгиланиши керак.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу комиссия зиммасига ишбилармон доиралар, корхоналар, молия муассасаларининг бевосита алоқаларини рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини топиришни тақдир этди. У киши мамлакатдаги товарлар ва хизматларни қайта кўриб чиқиши, самарали лойиҳалар бўйича тақдир ва тавсиялар тайёрлаши керак.

Масалан, Озарбойжонни Ўзбекистоннинг самолётсозлик ва автомобилсозлик саноати қизиқтиради. Озарбойжон Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган Ил-76 русумли икки самолётни лизинг асосида харид қилди. Мавжуд самолётларини мамлакатимизда таъмирлаш истаги бор.

Ўзбекистон нефт-газ ва металлургия саноати соҳасида Озарбойжон билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Умуман, қўшма корхона тузиш, икки томонга ҳам фойда берадиган соҳалар кўп. Ислон Каримов Бокуда трактор, Тошкентда эса кондиционер йиғувчи корхоналар очиб имкониятни мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Озарбойжон пахтачилик ҳамда ипакчилик борасида катта таърибга эга. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу икки тармоқ ўзининг мулқат янги тараққиёт босқичига кирди. Ислон Каримов таъбири билан айтганда, янгидан уйғонди. Икки мамлакат ўртасида шу соҳаларда ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин.

Транспорт коммуникациялари ўзаро муносабатларда муҳим ўрин тутувчи тармоқ ҳисобланади. Мамлакатларимиз ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидир. Лекин икки томонлама алоқаларда бу соҳада ҳам тартибга солиниши керак бўлган жиҳатлар бор. Ислон Каримовнинг таъкидлашича, Каспий денгизи ва Озарбойжон орқали Грузиянинг Потти бандаргоҳига олиб бориладиган юк харажати Болтиқбўйига ташилдаган юк йўлиқрасидан 20 фоиз кўп.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Афғонистондаги тиклини ишларида фаол иштирок этаётганини таъкидлади, Озарбойжон томонини бу ишга даъват қилди. Айниқса, йўлсозлик ҳар бир мамлакат учун устувор. Ўзбекистон ташаббускорли билан Трансафғон йўлга нафақат улкан иқтисодий, балки муҳим стратегик аҳамиятга эга. Қолаверса, Ўзбекистон тақдир билан, Афғонистон ва Эрон ТРАСЕКА лойиҳасига қўшилиш ниятини билдирган. Демак, Буюк ипак йўли бўйлаб давлатлараро микросоҳа товарлар ва хизмат оқимини йўлга қўйишнинг имкониятлари янада кенгайимокда.

А. БОБОЕВ, ЎЗА МУҲБИРИ

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги маданий ҳамкорлик мустақиллик даврида янада кенгаймоқда, тараққий этмоқда. Пойтахтимизнинг энг сўлими масканларидан бири - Бобур боғи ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини тўташтириб турган майдонда Низомий Ганжавий хайкалининг қад кўтариши ана шу яқинлиқнинг яна бир ғўзал белгисидир. 23 март куни Президентлар Ислон Каримов ва Илҳом Алиев мазкур хайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

ТОШКЕНТДА НИЗОМИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. - Мен шу маросимда қатнашаётган азиз меҳмонларимизни, аввало, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевни, ҳурматли адабиёт ва санъат вакиллари, Низомий ижодининг барча мухлисларини чин қалбидан қўллашдан бахтиёрман, - деди давлатимиз раҳбари.

Бутун башарият бадиий оламнинг забардаст вакили бўлмиш Низомий Ганжавий - ўзининг ўлмас ва бетакор ижодини инсон маънавиятини қўйлашга, эзгулик ва фидойилик вафо ва садоқат, адолат ва жасорат каби олижаноб туйғуларни тараннум этишга бағишлаган бу улғузот жаҳондаги энг буюк шоирлар қаторида туради, десак, асло хато бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда Низомийнинг мўътабар номини, унинг авлодларга қолдирган бой ва аҳойиб меросини билмайдиган бирорта ўзбек йўқ, десак, бу ҳам аини ҳақиқат бўлади.

Ислон Каримов буюк бобомиз, ўзбек шеърятининг сўлтони Алишер Навоий Низомий даҳосига катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарагани, ўз ижодида бу улғузот шоир куйлаган, орзу қилган фалсафий, ижтимоий-ахлоқий ғояларни, инсон зотини шарафлайдиган қадриятларини давом эттиргани тарихдан яхши маълум эканлигини таъкидлади.

Тарихимиз саҳифалари ўзбек ва озарбойжон халқларининг илдизлари муштарак, тили, дини ва урф-одатлари нақадар яқин бўлганидан ҳам далоят беради. Ҳозирги авлод, икки мамлакат жамо-

атчилиги бу маданий ришталарни умумий бойлигимиз сифатида қадрлайди ва бу бойлиқни асраб-авайлаб,

университети олдидаги кўркам майдонда қад ростлагани бежиз эмаслигини таъкидлади.



янада мустаҳкамлашга интилади. Бунинг тасдиғини бугунги ҳаётимизнинг ҳам сийёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий соҳаларидаги кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин, - деб таъкидлади Ислон Каримов.

Ўзбекистон раҳбари буюк Низомий Ганжавийнинг ушбу мухташам хайкали Тошкент Давлат педагогика

қукур эҳтиром белгисидир, - деди Ислон Каримов. Аини пайтда мен бу ёдгорликни қардош озарбойжон халқига, унинг қўҳна тарихи ва маданиятига, асрлар синовидан ўтиб келётган сўнмас руҳи, иро-

да ва матонатига, унинг ёруғ келажакка бўлган ҳурмат ва ишончимизнинг рамзи сифатида қабул қилишини истардим, - деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. - Давлатимиз йиллар, асрлар ўтади, бу мухташам ёдгорлик янги-янги авлодларимизни Низомий куйлаган ўлмас ғояларга, эзгу интилишлари муштарак икки халқни бир-бирига таянч бўлиб дўстлигини мустаҳкамлашга доимо қўрлаб туради. Ишонч қомилки, қардошлигимизнинг бу ёрқин тимсоли халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналаридан бизларни хамиша баҳраманд этишга хизмат қилади.

Яна бир бор Низомий ватанидан, шеърят ва ғўзаллик юртидан ташриф буюрган сиз, азиз меҳмонларимизни диёримизга, Ўзбекистонимизга хуш келибсиз, деб қўллашга руҳсат берайлиш. Ўзбек ва озарбойжон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги янада ривожланганини, яна ҳам зийда бўлисин! - деди Ислон Каримов.

Президент Илҳом Алиев озарбойжон халқининг буюк фарзанди Ўзбекистон тупроғида қад топаётгани, эъзозланаётгани учун ўзбек халқига, ушбу хайрли ишларда бош бўлиб турган Президент Ислон Каримовга ўз мамлақати, халқи ва ҳукумати номидан самимий миннатдорлик билдирди. Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийга хайкал қўйилишини маълум қилди.

Ушбу Низомий хайкалини хайкалтарош Илҳом Жабборов ишлаган, унинг мезмори - Валерий Аполжания. (ЎЗА)

ФЕРМЕР КЎП ИШГА ҚОДИР

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислон Каримов раҳнамоллигида фермерлик фаолияти учун яратилган кенг шароит босиб бу касб эгалари улкан ишларга дадил қўл урмоқда. Бунинг Жондор туманидаги Аскар Шодиев раҳбарлик қилаётган «Чинор» фермер хўжалиги мисолида кўриш мумкин.

170 бош қорамолга эга фермернинг ташвиши ўзига етиб ортади. Чорва ортидан мўмай даромад олиб, унинг бир қисминини хайрия ишларига сарфлаётган Аскар фермер кунгабоқар мойи ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона очиб харажати таъкид қолди. Мутахассислар фикрича, кунгабоқар ёғи айрим хусусиятлари билан чипитниқидан устун туради. Ундан маргарин, консерва ишлаб чиқаришда, лок, совуш тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Хомашё чипити эса паррандаларга озуқа бўлади.

Жондорлик фермер АКШнинг «Файр-бурн Европ» фирмаси билан алоқа ўрнатди. Америкалик ҳамкорлар қиймати 240 миң АКШ доллариға тенг технология келтириш мажбуриятини олди. Фермер эса

тумандаги бўш ётган бинолардан бирини ишлаб чиқаришга мослаштириб, устас жағмармасига 60 миң АКШ доллари миқдорида улғуз қўшди.

Шундай қилиб, бир кеча-кундузда 25 тоннагача кунгабоқарни қайта ишлаб, ўн тоннадан зиёд ёғ тайёрлаш қувватиға эга «Еврочино» қўшма корхонаси вужудға келди.

Хомашё борасида муаммо бўлмайди. Негаки, фермер икки йилдан буюн оралик сифатида кунгабоқар еттиштириб келади. Ҳосилдорлик ёмонмас, аммо қўшма корхонанинг тўла қувват билан ишлаши учун етмайди. Бунинг учун йилга 7,5 миң тоннадан зиёд хомашё керак. Аскар Шодиев туман ҳокимлигининг қўмағи билан хўжалик пудратчилари ва фермерлар билан шартнома тузиб, бугдойдан бўшаган 2,5 миң гектаргача ерда оралик экин сифатида кунгабоқар еттиштириш режасини ишлаб чиққан. Июль ойида қадалган уруғ сентябрь охириға бормай пишади.

Қўшма корхонада 25 нафар йиғит-қиз иш билан таъминланди. Кузда у тўла қувват билан ишлаб бошлағач, ишчи ўринлар сони янада кўпайди.

УНИТИЛМАС КУН

Урганч автомобиль-йўллар касб-хўнара коллежи педагог ва ўқувчилари Наврўзга ақойиб соғва олишди. Ҳоразм вилоятида энг кекса ўрта махсус ўқув муассасасида ўқув корпуси ва 200 ўринга мўлжалланган ётоқхона фойдаланишга топширилди.

Коллежга ўтган асрнинг 70-йилларида асос солинган. Ушанда вилоят марказида Кўхон автомобиль-йўллар техникуми бўлими очилган, бир неча йилдан кейин эса мустақил ўқув муассасасига айлантирилган эди. Утган даврда вилоят иқтисодийнинг турли тармоқлари учун 10 миңдан ортиқ ўрта бўлин мутахассислари тайёрланди.

Вақт ўтган сайин коллежнинг авалиги биноси касб-хўнара таълимнинг замонавий талабларига жавоб берай қолди. Янги бинодо эса яхши жиҳозланган кўма, физика, бошқа фанлар хоналари, компьютер синфлари, конференц-зал, ишлаб чиқариш устаноналари ва спорт зали бор. Коллежини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 120 миллион сўм бюджет маблағи ажратилди.

«Кўхон» масъулияти чекланган жамияти 2003 йилда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини самарали яқунлади. Корхонада Италиянинг «Ла Монферрина» фирмасидан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, жаҳон андозалари талабига мос келадиган сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, бу ерда қўшимча иш ўринлари яратилиш мақсадида тикув цехи ташкил этилиб, бўшаган ўн қопларидан ишчилар учун қўлқоп, хўжалик халтачалари тикиляпти. Яна бир эътиборли томони, аҳолини бўқоқ ва камқонлик касалликларидан асраш мақсадида нон ва нон маҳсулотларига йод ҳамда темир моддалари қўшилмоқда.

Корхона жамоаси савоб ишлардан ҳам четда қолмайпти. Шаҳардаги 12-болалар уйининг бир қисми ҳашар йўли билан таъмирдан чиқарилди. Корхонада ишлаб нафақаға чиққан 230 пенсионернинг ижтимоий муҳофазасига ҳам эътибор берилмоқда.

Суратларда: ўз касбининг устаси Марғуба Тожиева; корхона ишчиси Гулбахор Маматқуллова.

М. ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар



ДЎСТЛАР ДАВРА ҚУРГАНДА

Наврўз байрами халқимизнинг сеvimли ва ардоқли байрами ҳисобланади. У билан бирга бошқа тантаналар, масалан фахрийларнинг юбилейлари, ҳам таъминланган оилаларнинг тўйлари ҳам нишонланади.

Бу хайрли ишларга Жалакудук тумани Ойим қишлоғининг аҳолиси ўз хиссасини қўшмоқда. Қишлоқликлар Наврўз билан бирга беш ҳуфт келинқуванинғ тўйини ўтказдилар.

Р.Насриддинов бошчилик қилаётган «Соҳибкор» фермер хўжалиғи бу хайрия тадбирининг ҳомиёларидан бири бўлди. Бу йил туман «Ташаббус-2004» танловининг ғолиби бўлган мазкур хўжалик ўз ҳамюртларига гамхўрлик кўрсатмоқда. «Соҳибкор» болалар боғчасини бепул сут билан таъминлайди. Махалла ақли хўжалиқнинг транспорт тракторидан бепул фойдаланади. Ҳозирда болалар спорт майдончаси қурилиши ниҳонсига етмоқда. (ЎЗА)

«Ташаббус-2004» кўрик-танловининг вилоят босқичида хўнараман-чилик йўналишида «Энг би иштирокчи» номинансига бўйича тайлоқлик чевар Ҳамида Қурбонова ғолиб деб топилди. Ингирма йшли қизинг зардузлик бонбда тилға тушгани бежиз эмас. ЗАРДУЗ ҚИЗНИНГ ОРЗУСИ

Икки йил олдин туманимиздаги чевар, зардуз Гулнора опаға шогирд тушдим, - дейди Х. Қурбонова. Кейинчалик мустақил ишлаб бошладим. Зарур дастгоҳлар еттишмасди. Туман товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлар палатаси қўмағи билан 800 миң сўм иттизли кредит олиб, асбоб-ускуналар харид қилдик.

Натижада ишларимиз юришиб кетди. Сингилларимга ҳам зардузлик касбининг ўргатдим. Ҳозир салкам эллик хилдаги либоо тайёрляпмиз. Шундай қилиб, Ҳамида-нинг сая-харақати боис оила қўшимча даромад манбаига, Зарафшон қишлоғининг ўн беш қизи эса янги хўнараға эга бўлди.

МИНГ ЎРИНЛИ СТАДИОН

Наврўз кунлари Қизилтапа туманидаги «Зармитан» ширкат хўжалиғининг «Работ» қишлоғида замонавий спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Минг ўринли стадион, спорт зали, сузиш ҳавзасига эга мажмуада ўндан ортиқ спорт тури билан шугулланиш учун кенг имконият мавжуд. (ЎЗА)

Савоб

Дибриниш узра кулоч йиған Наврўз шодиёналари ҳар бир кўнгилни обод этмоқда. Айниқса, Меҳр ва мурувват йилга бағишлаб ўтказилаётган хайрия тадбирларидан кам таъминланган оилалар баҳраманд бўлмоқда.

Кўнгил ободлиги - ЮРТ ОБОДЛИГИ

Ана шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги «Каттабор» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Кўркам маҳалла клубига шу кунга катта кичик байрамона кайфият ила қадам ранжида қилди.

Маҳалламизда тўрт минг нафарга яқин аҳоли истикомат қилади, дейди фуқаролар йиғини раиси Ахрор Дадамухамедов. - Ўзбекистон умумларимиз ҳар бир инсонни улуғлаш, айниқса, яқка-ёлғизлар, қариюрлар, ногиронларни ардоқлаш, қўллаб-қувватлашга ундайди. Жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши бу қадриятларимизга, инсон омилига бўлган эътиборни кучайтирди, юртини обод қилиш, бирдамлик, саховат каби азалий оадатларимизни ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдиришмоқда.

Чунки кўнгиллар ободлиги юрт ободлигини таъминлайди. Шу боис биз ҳам маҳалламизда байрам тадбири билан бирга кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлимизни чўздик. Дарҳақиқат, маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтожларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, яқка-ёлғизлар, ногиронлар, 100 ёшга кирган отахон ва онахонларнинг ҳолларидан хабардор бўлиб туриш анъанага айланган. Жумладан, 25 нафар 80 ёшдан ошган отахон онахонларнинг уларига бориб, кўнгиллари сўралди. Уларга маҳалла фуқаролар йиғини номидан совға-саломлар, ажойиб гулдалар тақдим қилинди. Жумладан, Гулираёна кўчаси, 32-уйда яшовчи 100 ёшли онахон Саодат ая Икромовлага ҳам маҳалла номидан эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилди. Бундан ташқари, фарзандларини бир ўзи тарбия қилаётган аёллар ҳам домий эътиборда бўлиб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Ўз вақтида болалар нафақаси, моддий ёрдам пулларни ажратилмоқда.

Тадбирда маҳалла ахли учун байрамона дастурхон тўзатилиб, ҳалим, сумалак, кўк сомсаю чучура каби баҳор таомлари тартибди. Бир сўз билан айтганда, шу кунги кўнгил ярим инсонларнинг қалблари меҳр ва саховат, мурувват нури ила ёришиди.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

САДАҒАНГ КЕТАЙ, ЯХШИЛАР!

Қум маҳаллалик Муҳаммадҷон Деҳқонов туман электр тармоқлари идорасида соловчи бўлиб ишларди. Тунда маҳалладошларидан биринчи хонадонда чирок ўчди. Шунда уй эгаси ундан ёрдам берилишни ўтиниби сўрайди. Ёмир саваллаб турар, қоронғу кеча... Техника хавфсизлиги қондалари бундай ноқулай шароитда ишлашни ман қилади. Аммо Муҳаммадҷоннинг гапини қайтара олмай электр устунга чиқади. Эҳтиётсизлик натижаида оёғи сирпа-ниб ерга қулайди...

Мана ўша бахтсиз ҳодисадан буён оёққуллари ишламай тўшақда ётибди. Қумликлар ногирон маҳалладошларини ёлғизлашиб қўймадилар. Қўшиллар, яқинларнинг қадам хонадондан узилмайдди.

Меҳр-оқибат, хайр-эхсон, ҳатто бир оғиз ширин сўз инсонга суянч. Шундан бўлса керак, Муҳаммадҷон доим ўзини одамлар бағрида, меҳр оғушида ҳис қилади. Бирда, ўғил-қизларни уйлаш илинжида бош қотириб ўтирарди. Эшик чертилгандек бўлди. Сўнгра хонада совға-саломлар билан «Пахтаобод» кишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Дилбархон Бозорова маҳалла оқсоқоли билан кириб келди. Муҳаммадҷоннинг назаридан уй нурга тўлгандек эди. Дард чекиниб кўзида миннатдорчилик учқунлари порлади. Бир пиёла чай устида дилдан сўхбат бўлди. Пенсия таъминоти, дори-дармон, шифокорларнинг тиббий хизмати ҳақида гап борди. Кишлоқ онахони худди хонадон соҳибининг ички дағини топанганди, тўй ҳақида гап очди. Маросимни қўллаш ортқча чикимларсиз тадорик билан ўтказилишини, ҳомийлар белини боғлаб хизмат қилишини айтди.

... Мана бугун Муҳаммадҷоннинг бағри бутун. Ували-жували, қариндошлари кўпайган. Улар йигитни қўлма-қўл қилишиб, дардамандлигини билдиришмайди. Шахрихон туманидаги

Пахтаобод кишлоғининг одамлари ана шундай саховатпеша кишилар. Савобли йомулар бошида йиғин раиси Дилбархон опа Бозорова турибди. У 18-ўрта Шахрихон сайлов округидан Андижон вилояти кенгаши депутатлигига сайланган.

Кишлоқ катта рўзгор. Худудда олтита маҳалла фаолият кўрсатмоқда. 23 минг аҳоли истикомат қилади. Газлаштириш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, тўйларни бошқариш, шикаста дилларни овлаш ташвишларида опа тиним билмайди.

Ҳаётда бахтсиз ҳодисалар ҳам бўлиб туради. Фуқаролардан бири аёли билан тўсатдан автохалокатга учраб, ҳаётдан кўз юмди. Гуриллаб турган хонадон хувиллаб қолди. Балағат ёшидаги етти нафар ўғил-қиз боқувчиларида айрилди. Дилбархон опа азиздор хонадонга ҳам ота, ҳам она бўлди. Оилага бутун кишлоқ ёрдамга келди. Маърака, маросимлар ўрнида ўтказилди.

Фурсати билан ховлига келин тушди. Тўйлари ўтказилиб, йигитлар уйли-жойли бўлдилар. Қизлар турмушга чиқарилиди. Хонадоннинг кенжа қизи Гулҷеҳраҳон Дилбархоннинг юғурб-елиши билан худуддаги «Антекс» қўшма корхонасида муқим иш жойига эга бўлди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда ҳам опахон намуна. Лутфидин Мўйдинов, Муроджон Раҳмонов каби ишбилармонлар бугун кишлоқнинг фахри. Улар хусусий тад-

биркор мақомини олиб, маиший хизмат тармоқларини очдилар. Ошхона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устаноналари, новвойхона, муҳими, тadbиркорлар маҳалладошларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишда кўмакдошлик қилмоқдалар.

...Пахтаобод кишлоғи яқинидан катта газ трассаси ўтган бўлиб, нима учундир мавзе тармоққа уланмай қолганди. Кўшни кишлоқда газ гуруллаб ёнса-ю, пахтаободликлар бундан бебаҳра бўлишса. Онахон ана шу саволни туман ҳокими Муҳаммадҷон Раззоқовга қўндаланг қўйди.

Ҳокимни ҳам ана шу масалалар кўпдан буён ўйланти келарди. Муаммо ечимига вилоятдаги мутасадди ташкилотлар катта этилди. Қўллаб-қувватлаш лойиҳаси тайёрланди. Излаган имкон топади деганларидек, ҳокимлик ташаббуси билан кишлоқни газлаштириш хашарига ширкат ҳужжаликлари, маҳаллий тадбиркорлар бош қўшидилар. Бу ишга давлат бюджетидан ташқари катта маблағ сарфланмоқда. Аксарият хонадонларда «зангори олов» ёна бошлади. Йил охирига қадар кишлоқ ёлпасига газлашди. Кишлоқнинг ҳусну таровати кун сайин гўзаллашиб бораётган. Ҳар йили ўртача 200 нафарга яқин оила шахсий маблағи ҳисобидан қўрилган уйларга кўчиб ўтмоқда.

2003 йилда шу тарихда 182 та янги оила пайдо бўлди. Бунга 68 та хонадонда ҳовли тўйлари ўтказилганлигини кўшадиган бўлсак, Пахтаобод кишлоғи фазз оқиб бораётгани ўз-ўзидан равшан.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз ўрмон фондидининг умумий майдони 8088777 гектарни ташкил этади. Жумладан, 2278683 гектари ўрмон билан қопланган бўлиб, шундан маданий ўрмонлар эгаллаган ерлар 572080, туташмаган ўрмонлар 175255, ўрмон қўчқатналарини 1717, сийрак ўрмонлар 732575, ёнган ва нобуд бўлган ўрмонзорлар 12974, қесилган ўрмонлар 916, тақир ерлар 276229, хайдалаган ерлар 10428, пичанзорлар 1399, яйловлар 1856852, боғлар ва узумзорлар 1533, йўللар 4847, томоқа ерлар 3500, ботқоқликлар 1873, қумликлар 181675, музликлар 3123 ва бошқа ерлар 2506094 гектарни ташкил қилади. Республикаимиз худудининг 5,1 фоизи дароҳзор бўлиб, у ҳар бир киши бошига 0,1 гектарни ташкил этади, бошқача айтганда 12 миллион куб метр ёғоч захираси мавжуд. Жами 93 та ўрмон ҳўжалиги қорхонаси мавжуд бўлиб, булардан 67 таси ўрмон ҳўжалигига, 8 таси доривор ва озуқа ўсимликлари ўстиришига, 8 таси маҳсулотларга иктисослашган ҳўжалик, 8 таси маҳсулот бўлиблар, 6 таси давлат қўриқхонаси, 3 таси ўрмон очкилик ҳўжалиги, 1 таси халқ боғилад.

Ўрмонлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳукукий тартибга солиш масалаларининг долзарблиги «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997 йил 26 декабр) ва «Ўрмон тўғрисида» (1999 йил 15 апрел) Қонунларнинг қабул қилиниб амалга татиб этилиши билан янада ортиб кетди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши билан ўрмоннинг ҳукукий мақомида катта ўзгаришлар содир бўлди. Зеро, ушбу соҳада янги ҳукукий тушунчалар, меъерлар ва ҳукукий муносабатлар вужудга келди, қонун ҳужжатлари мустақил тармок сифатида бутунлай шаклланиб, соҳани тартибга солуви мустақил ҳукуқ тармоғи ташкил топди.

Шу билан бирга, мавжуд муаммолар ҳар жиҳатдан ўз ечимини топган деб бўлмайди. Шу боис юқорида тилга олинган қонунлар ва улардаги айрим меъерларни тушуниб етиш, танқидий баҳо бериш ва улар ўз таъсир доирасига оломали қолган муносабатларни кўрсатиб бериш лозимдир. Яъни, «Ўрмон тўғри-

ЎЛКАМИЗ

эга. Шу ўринда, «Ўрмон тўғрисида» Қонуннинг 25-моддаси диққатга сазовордир. Ўрмонлардан фойдаланишни қуйидагича туркумлаш мумкин: дароҳзорлар ва бутазорларни кесиш; ўрмондан қўшимча фойдаланиш (пичан ўриш, мол боқиш, асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш, ёввойи ўсимликлар доривор хом ашёсини тайёрлаш (йғиш) ва озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни тайёрлаш (йғиш)); давлат ўрмон фонди участкаларидан очкилик ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш; давлат ўрмон участкаларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш; давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ҳамда эстетик мақсадларда фойдаланиш ва ҳоказо.

Ўзбекистоннинг ўрмонлари ҳукукий ва экологик муносабатларда хилма-хиллиги билан тасвифланади. Буларга қуйидаги ўрмонлар кирлади: - сувни муҳофаза қилиш функциялари (дарё, қўл, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари бўйича ўрмонларнинг тақилланган йўллари); - тақилланган (эрозияга қарши ўрмонлар, шу жумладан, ўрмонларнинг тоғ ёнабағирларидаги участкалари, давлат ҳимоя ўрмонлари, лентасимон қарағайзорлар, чўлдаги мўрт дароҳлар, темирўй, автомобиль йўллари бўйлаб ташкил этилган ҳимоя ўрмонлари, алоҳида қимматли ўрмон массиви); - санитария-гигиена ва соғломлаштириш (шаҳар ўрмонлари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш жойлари атрофи яшил миктақаларидаги ўрмонлар, сув таъминоти, курортларни санита-

рия муҳофаза қилиш ўрмонлари). Биринчи гуруҳ, шунингдек, қўриқхона ўрмонлари, илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар, табиий ёдгорликлар, ўрмон паркларида иборат. Ёнғоқли ўрмонлар ва мевали дароҳзорлар алоҳида ўринни эгаллайди. Улар қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари: ёнғоқ, юнон писитаси, бодом, мевалар (олма, нок, олча, ўрик, дўлана, барбарис, жийда ва бошқалар). Бу ўрмонларда ўрмондан фойдаланиш ва ўрмон ҳўжаликларини бошқариш маълум даражада қийлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг хилма-хиллигини ифодалайди, шу сабабли мевали дароҳлар қаторлари орасида кўпинча сазавот-полиз экинлари, озуқа ва бошқа қийлоқ ҳўжалик экинлари, баъзан техника экинлари ҳам етиштирилади.

Саноат аҳамиятига эга бўлган ёнғоқзор ўрмон ва мевали дароҳлардан иборат ўрмонларнинг экологик ва иқтисодий қиммати баланглиги Ўзбекистоннинг «Ўрмон тўғрисида» Қонунини ёки бу ўрмонлардан умумий фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, ўрмон ҳўжалиги органларининг ўрмонларини бошқариш бўйича айрим масалалар бўйича бошқа қонуний ҳужжатларни кўшимча тартибга солиш лозимлигини олдиндан белгилайди.

Бу ўринда ўрмонлар ва дароҳзорларни кўпайтириш, қайта тиклаш ва қўриқлашнинг умумий шартлари ва тартиби, шунингдек, фуқароларнинг улардан фойдаланиш ҳамда сақлаш ҳуқуқи ва бurchи ифодаланган, ўрмонлар ва мевали дароҳзорлар тўғрисида маҳсулот қондалар нашр этиш мақсадга мувофиқлиги кўзга ташланмоқда.

Касаба уюшма мутахассислари ҳақида ҳикоялар

ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ АППЕЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛМАДИ

Шўхрат Тожибоев ҳақида гап кетганда «Меҳнат-қашлар ҳақ-ҳуқуқларини қатъий тўғри ҳимоя қила оладиган тажрибали ва қатъиятли мутахассис» сифатида таъриф берилади.

У кўп йиллардан буён касаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгашида меҳнат ҳуқуқи бош инспектори вазифасида сидқидилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Умид билан ёрдам сўраб келган ҳар бир инсон билан эркин мулоқот давомида уни ўйлантираётган, ташвишлантираётган муаммо ва унинг ечимини ҳақида гап боради. Энг муҳими, меҳнат қиёсига бу ерда бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатилади. Одамлар мушқулчи осон этиш учун бутун чоралар билан ҳаракат қилинади... Шояир Иномова Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасидан нокорун озод этилганини маълум қилиб, адолатни тиклашда вилоят касаба уюшмалари Кенгашига мурожаат қилди. Ариза Ш.Тожибоев томонидан атрофлича ўрганилди. Маълум бўлишича, Ш.Иномованинг тегишли китобда қайд қилинган аризаси ҳокимга эмас, балки ҳоким муовини О.Абдуназарова топширилди, қонун талаблари бузилган. Меҳнат Кодексининг 99-моддаси талабига кўра ички ҳафталик оғохлантириш муддати ўтмасдан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилган. Бу каби қатор қонун бузилишларни бартараф этиш мақсадида шаҳар ҳокимига тақдимнома киритилди. Афсуски, бунга ҳокимлик тўғри қабул қилмади ва ҳоким ўринбосари томонидан тақдимномага рад жавоби берилди.

Шундан сўнг Ш.Иномова ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига мурожаат қилиб, давво аризаси киритди. Э.Умарзоков раислигида ўтган суд мажлиси иш материалларини атрофлича ўрганиб, Ш.Иномованинг даввосини қаноатлантирди.

Жиззах шаҳар ҳокими Ш.Иномовани ишга тайинлашга шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташкилий Пленумининг уни шу лавозимга сайлаш ҳақидаги қарорини асос қилишда, вазифасидан озод қилиш ҳақидаги 2003 йил 29 апрелдаги 642-сонли қарорига факат «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» Қонуннинг 25-моддасини асос қилган, холос. Бундан ҳоким Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Низомига кўра Ш.Иномова 5 йил муддатга сайланганини, муддатдан олдин у билан тўзилган меҳнат шартномасини бекор қилишга хотин-қизлар қўмитасининг конференцияси ёки Пленум ваколатли эканлигини эътибордан четда қолдирган.

Маълум бўлишича, Ш.Иномова аризасини ўз иктиёри билан эмас, балки иш берувчининг кистиби билан ёзган. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра Ш.Иномова шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси лавозимига қайта тикланди. Маҳбурий бекор юрган қуллари учун 22.687 сўм ундириб берилди.

Ушбу ҳал қилув қарори юзасидан Жиззах шаҳар ҳокимлигининг апелляция шикоятини ҳамда шаҳар прокурорининг апелляция протести фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция судлов ҳайъатининг шу йил 21 январдаги мажлисида қўрилиб, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ҳал қилув қарори ўзгариши қолдирилган...

Дарҳақиқат, нокоруний бўшатилган ҳодимни ишга тиклаш, тоқон пули, иш ҳақи, нафақаларни ундириб бериш юзасидан меҳнат ҳуқуқи инспекцияси ҳайри ишларни амалга оширмоқда. 1283 йили меҳнат шартномаларини бекор қилиш юзасидан 1283 киши ёзма, 879 киши оғзаки мурожаат этди. Уларнинг аксарияти иқобий ҳал этилди.

Айрим тадбиркорларнинг меҳнатга оид қонунларни билмаслиги оқибатида жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қондаларига кўра ҳодимга меҳнат таштили бериш муддати кўрсатилмаслиги, фойдаланилмаган таътил учун пул компенсацияси тўлашдаги каби хато-камчиликлар юзасидан касаба уюшмаларига мурожаатлар кўпаймоқда. Буларни бартараф этиш мақсадида жойларда ўқув-семинарлар, амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Зафаробод туман бошланғич касаба уюшма қўмиталарида меҳнат ҳуқуқлари амал қилинишини назорат этиш юзасидан ўтган амалий ёрдамлар кўпчилида қизиқиш уйғотади.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши қошида аҳолига «Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази» ташкил этилган бўлиб, бу ерда нафақат меҳнатга оид ҳуқуқий масалалар, балки қондаллик-ҳаётий, уй-жой, пенсия, нафақа, оила ва ниқоҳ тўғрисидаги саволларга ҳам қониқарли жавоб берилмоқда, амалий ёрдам кўрсатилмоқда. ...Меҳнат ҳуқуқи бош инспектори Ш.Тожибоев одатдагидек бутунги иш кунини сарфосиб қилар экан, келгуси режаларни ҳам қўлидан бир-бир ўтказайди. Олий Мажлисининг сўнгги сессиясида қабул қилинган янги қонунлар ҳақида тадбиқ этилмоқда. Уларни одамларимиз онига чуқурроқ сингдириш гоётда муҳим.

Абдуномон АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

ҚИШЛОҚДОШЛАР КУТГАН ЦЕХ

Учқўрғон пахта тозалаш очик турдаги акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларида алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларга корхона ҳисобидан 3 маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган.

Корхона ховлисидаги киришиңгиз билан бу ердаги саранжом-саришталик, тартиб-интизом, одамларни умумий меҳнат қилишга чорловчи лавҳалар беихтиёр эътиборингизни тартади. Дарвозанинг ўнг томонидаги мўжазгина иссиқхонада етиштирилаётган лимон ва бошқа ҳўжалик маҳсулотлари пешма-пеш ишловчилар дастурхонига өтказиб берилмоқда. Худди шунингдек, корхона қошидаги ёрдам кўжаликда етиштирилган гўшт ишловчиларга арзонлаштирилган

нархда, кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилаяпти.

- Шу корхонада 35 йилдан буён ишлаيمان, - дейди солов устaxon-наси чилангари Ҳасанбой Бобомирзаев, - ишловчилар ҳар томонлама меҳр кўршоваига олинган. Корхона ҳаётида биринчи мартабда диагностика маркази бепул хизмат кўрсата бошлади. Ишчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш шу ёрнинг ўзида ташкил этилмоқда. Моддий манфаатдорлик ҳам сезиларли даражада ошиб, ўртача ойлик иш ҳақи 34 минг сўмни ташкил этди. Қар бир ишчи киши ва ёзги маҳсул қийим-кечаклар билан таъминланди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан вафот этганлар оиласига ўтган йили 20 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Кам таъминланган 2 та оила фар-

зандларининг суннат тўйлари корхона ҳисобидан ўтказиб берилди. Айниқса, жамоамизда қарияларни қадрлаш уларга ҳурмат-иззат кўрсатишга эътибор қўчди. Яқинда 200 нафар пенсионерга Меҳр ва мурувват йили муносабати билан бир пиёла чай ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирига совға-саломлар топширилди.

Корхонада аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида янги иш ўринлари яратишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили бу ерда ишга туширилган тикув ва тўқув цехларида 44 нафар хотин-қиз янги иш ўрнига эга бўлдилар. Цехларда тайёрланаётган қийим-кечаклар, турли ҳажмидаги гилалар нафақат корхона ишловчиларига, балки атрофдаги маҳалла-лар аҳолисига ҳам манзур бўлаяпти.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

ШИФО МАСКАНЛАРИ КўПаймоқда

Наврўз арафасида Бўка туманида иккита кишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. - Туманимизда бундай шифо масканлари сонни тўққизга етди, - дейди марказий шифохона бош шифокори Анвар Раҳмадуллаев. - «Мустақил Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида иш бошлаган шифо маскани ўн икки мингдан ортиқ кишига мўлжалланган. Унда кунига 100 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатилади.

Туманнинг «Жамбул» ширкат ҳўжалигида ҳам ана шундай кишлоқ врачлик пункти иш бошлади. У ҳўжаликдаги тўрт мингга яқин кишига тиббий хизмат кўрсатади.

НАВРЎЗ ШАРОФАТИ

Наврўз арафасида Навоий шаҳридаги «Континен-Н Ё-м» масъулияти чекланган жамиятида кунига 20 тоннагача ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга янги линия ишга тушди. Корхонага Германияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Хомашё фермер ва ширкат ҳўжалиқларидан олинмоқда. Иш ўринлари сонни 130 тага кўпайди.

НАВОИЙНИНГ НАФИС ГИЛАМЛАРИ

«Ишонч-гилам» ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари Шавкат Холназаровнинг савий-харакати билан Навоий шаҳридаги бўш ётган эски бино гилам тўқиш корхонасига айлантирилди. Йигирма миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан «Навоийазот» ҳиссасдорлик жамиятидан хомашё харид қилинди. Ҳозир корхонада ишлаётган йигирма нафар йигит-қиз кунига 10 доннагача гилам тўқиш чиқармоқда.



Бойвот туманидаги Шомурод Холмуродов номи маҳаллада янги кишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Ушбу тиббий масканни шу ерда яшовчи тадбиркор Худойкул хожи Раҳмонбердиев ўз маблағи ҳисобидан қуриб берди. Айни вақтда бу ерда ма-лакали шифокорлар астойдил меҳнат қилмоқда. Эътиборли томони, шифо масканида маҳалла аҳолисига бепул хизмат кўрсатиляпти.

Суратларда: катта ҳамшира Муҳаддас Забирова (юқорида) ва ҳамшира Муҳаддас Мирзаева муолажа пайтида.

Р.ЖАПАРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Тадбир «SAMARITAN'S PURSE» - БОЛАЛАРГА



Меҳр-мурувват, саховат офтобимисол зийдириги, у инсон кўнглини нурафшон этади. Бинобарин, эзгулик, олижаноблик билан йўғрилган бу инсоний туйғулар ҳаётимиз мазмуни, қўриқидир.

Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кунларда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи санъат саройида бўлиб ўтган меҳр-мурувват тадбири юзлаб кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болалар қалбига олам-олам қувонч бахш этди. «SAMARITAN'S PURSE» халқаро хайрия жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан ташкил қилинган тадбирга Шайхонтоҳур туманида истикомат қилаётган 600 нафарга яқин бола тақлиф этилди. Уларга халқаро хайрия жамғармасининг қимматбахшо совғалари топширилди. Санъаткорлар ижросидаги ажойиб куй-кўшиқлар кечага фазз бағишлади.

Раъно МАХКАМОВА, «Ишонч» мухбири

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА

ЎРМОНЛАРИ

Шунингдек, ёнғоқзор ўрмонлар ва мевали дарахтзорлар одатдаги боғлардан фарқ қилиб, ерларига минерал ўқитлар солиш, захарли кимёвий моддалар билан ишлов беришни талаб қилмайди, бунинг эса иқтисодий аҳамияти катта. Бундан ташқари, ёввойи ҳолда ўсувчи ёнғоқ ва мевалар, табиийки, ширин ва сифатли бўлади. Улар мазаси ва органик хусусияти бўйича боғ меваларидан қолишмайди, уларни аҳоли севиб истеъмол қилади.

Республикамизнинг табиий ва иқлим шароитида ўрмонларнинг сувни қўриқлаш ва тупроқни химоялашдаги аҳамиятини баҳолаш қийин эмас. Ўрмон массивлари тупроқда сувнинг филтратлашини кўпайтиради, ер юзасига яқин чиқинди сувларни камайтиради, йилнинг ҳамма фаслида суви оқиб турадиган булоқлар ва сойлар сони орттиришга сабаб бўлади. Ўрмоннинг тупроқни химоялашдаги роли шундаки, у эрозия жараёнларининг олдини олади ва ер ости сизот сувларини камайтиради, тупроқни дарахтлар ва буталар илдиэларига зичлаштиради.

Ўзбекистоннинг енгил емириладиган тупроқ билан кучли кесилган тоғли туманларида ўрмоннинг тупроқни химоялашдаги роли алоҳида эътиборга лойиқ. Ўрмон тўғрисидаги қонунларни янада такомиллаштиришда, бизнинг назаримизда, республика ўрмонларининг таркибий қисми бўлган ўзгаларни химоялаш ва тўқай дарахтларининг аҳамияти ортиб бораётганини ҳисобга олиш лозим.

Ўрмонларнинг миқдори қанчалик чекланганлиги уларда илмий асосланган саннатга ёғоч материаллари тайёрлашни тўхтатишни та-


лаб қилади. Чунки Ўзбекистон шароитида уларнинг экологик қиммати йил сайин орттиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ўрмон қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири қилиб ўрмонлардан экологик макссадлар учун фойдаланишни кучайтириш мақсад қилиб қўйилганлиги ҳам бежиз эмас.

Фикримизнинг исботи сифатида «Ўрмон тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида айтилган ўрмонлар асосан экологик, эстетик ва бошқа вазифаларни бажаради, чекланган даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга, деган талаблардан ташқари, 15-моддада ўрмонларнинг қўриқлашни тоифаларига тегишли қоидалар мавжуд.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ўрмонларининг экологик вазифалари кучайтирилганлигини Қонуннинг 26-моддасида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ўрмондан ёғоч тайёрлаш ёки саннат эҳтиёжлари учун дарахт кесиш, деган ибораларни учратмаймиз. Аксинча, ушбу модданинг 2-қисмида дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрмонларни албатта қайта тиклаш тарзида йўл қўйилади, деб белгиланади.

Яна шунинг алоҳида қайд этиш кераки, илгариги табиатни муҳофаза қилиш қонунлари тизимида иқтисоднинг экологиядан устуворлиги ҳамда инсон ва фуқаролар манфаатларининг давлат ва унинг органлари манфаатларига бўйсунуши тавсифли эди. Шунинг учун экологик-иқтисодий тизимда табиат ресурсларидан фойдаланиш бош элемент, уни муҳофаза қилиш эса иккинчи даражада деб қараб келинди. Ишлаб чиқариш режалари гарчи у экологик қонун меъёрларини бузиш

Табиат ва биз



бўлса-да, биринчи даражада сифатида қаралди. Оролбўйи аҳолиси кишиларидан камқонлик, сариқ касаллиги, бошқа ҳар хил туғма ва юқумли касалликлар, болалар ўлимининг юқори даражада эканлиги худди шу сисёатнинг оқибатидир.

Табиатни муҳофаза қилувчи қонунлардаги бу хилдаги камчиликлар ва бунинг оқибатида табиат ҳамда жамият ўртасидаги номуносивлик, салбий ҳолатларга қарши чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши муносабати билан ишлаб чиқилди ва реал воқеликка айланди. Мустақиллик эълон қилиниши билан табиий объектларни муҳофаза этиш бўйича муносабатларни тартибга солишга қаратишга катта эътибор берилди ва қабул қилинди. Ҳозирда экологик муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳай-

вонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» ва бошқа қонунлари катта рол ўйнамоқда.

Мустақил республикамизда ҳозирда ҳаракат қилаётган табиат объектларини муҳофаза қилишга бағишланган қонунларда асосий эътибор табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносибликни сақлашга, табиат объектларидан илмфан тавсиялари асосида оқилона фойдаланишга, уларни муҳофаза қилишга, ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда экологик талабларни биринчи ўринга қўйишга, инсон учун соғлом экологик муҳит яратишга қаратилган.

Яна шунинг таъкидлаш ўринлики, табиатни муҳофаза қилиш баҳонасида халқ ҳўжалиги манфаатларига жиддий зарар етказишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун «Ўрмон тўғрисида»ги Қонунда, биринчидан, табиий муҳитдан фойдаланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда экологиянинг ҳам, иқтисоднинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиш зарурати белгиланган, иккинчидан, уларнинг узвийлигини таъминлашнинг имконияти бўлмаса, устуворлик экологияга берилиши белгилаб қўйилган. Бунинг юридик ифодаси сифатида экологик экспертиза, ҳўжалик фаолияти юртишда экологик талаблар ҳақидаги нормаларни айтиш мумкин.

Нурия НАМАЗОВА,
Косон шаҳар
Педагогика
иқтисодий коллежи
ўқитувчиси

«Термизпахта» ҳиссдорлик жамияти бозор иқтисодиёти шароитида яхши натижаларга эришиб келётган корхоналардан. Бунинг асосида йилга киритилган натижалар ҳам кўрсатиб турибди. 16 минг 96 тонна пахта қайта ишланиб, салмоқли даромад кўрилди.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг меҳнатларини муҳофазалаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Биргина мисол: яқинда меҳнат муҳофазаси учун 4 миллион 800 минг сўмлик махсус кийим бош харид қилинди.

Суратларда: корхона ҳаётининг лавҳалар.

И. ҲАСАНОВ
олган суратлар



БАНК ВА МИҲОЗ

ҲАМКОРЛИГИ

«Тадбиркор банк»нинг Қизилқум тумани бўлими миҳозлари ҳозирга келиб тўрт юз нафарга яқинлашди.

Банк ходимлари ҳар бир миҳоз билан қонуний ва адолатли тарзда иш олиб борадилар. Айниқса, жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучлари бўлган тадбиркор, ишбилармонлар билан ишлашда диққатга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

«Қишлоқ ҳўжалиги экинлари зараркундаларига қарши курашиш билан шуғулланадиган «Азамат» кичик корхонаси бизнинг синалган, ишончли миҳозларимиздан бири ҳисобланади. «деди банк бўлими бошқарувчиси Нурсафар Маҳмадалиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. – Корхонага зироатшўносликда чорак асрлик тажрибага эга бўлган Чори Мамадхонимов раҳбарлик қилади. Биз моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган бу кичик корхона фаолиятдан деҳқонлар катта наф қўришмоқда. Шунинг таъкидлашни истардимки, «Азамат» сингари ишончли ва қатъиятли миҳозларимиз сони тобора кўпайиб бораётир. «Туркистон-пресс»



ДАВР ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ

Республикамизда ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кечмоқда. Бу даврда иқтисодиётнинг барча жаҳалари самарали ишлаши учун энг оптимал вариантларни қидириб топиш, уларни амалиётда синаб кўриш ва агар у бозор шароитида қўтилган натижаларни берса, ҳаётга йўлланма берилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигида ҳам республиканинг табиий, иқлим, тупроқ шароитларини ҳамда аҳолининг тарихий-интеллектуал, анъанавий ўзига хосликларини, миллий қадриятларни эътиборга олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳўжалик юртишнинг энг оптимал шаклини танлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу соҳадаги чўқур ўрганиш ва таҳлиллар деҳқон-фермер ҳўжаликлари шакли энг самарали эканлигини кўрсатмоқда.

«Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси бу долзарб масаланинг муваффақиятли ҳал бўлишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келатир. Ҳозирги пайтда компания тизимида деҳқон-фермер ҳўжаликларига нефть махсулотларини етказиб берувчи махсус ёнилги тарқатиш шохобчалари барпо қилинди. Бу шохобчалар фермерларга тежорлик билан улуқсиз равишда сифатли хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳозирги кунда 293 та шундай шохобча фаолият кўрсатаётти. Шохобчаларни деҳқон-фермер ҳўжаликларига тобора яқинлаштиришга эришиш мақсадида улар сонини йил сайин орттириб бориш кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги қарорига биноан улар сонини 2004 йилда яна 244 тага, 2005 йилда 301 тага, 2006 йилда 344 тага орттириш кўзда тутилган.

«Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси ўз фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, «Тасис-Ўқув» марказида махсус ишлаб чиқилган ўқув дастури асосида шохобчаларда ишловчи ходимлар малакасини ошириш бўйича бир ҳафталик қисқа курслар ташкил этилди. Дастурда нефть махсулотларини етказиб бериш ва фермерларга тарқатиш, шохобчаларни замонавий техника, илғор технология билан қуроллантириш, махсулотни сифатли сақлаш, ёнғин хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилиш каби масалаларга катта эътибор берилган.

Ўқув курслари фаолияти шу йилнинг июн ойигача давом эттирилади.

А. МУТАЛОВ

ЯНГИ ГУЗАР

Собир Раҳимов тумани «Шўхрат» маҳалласи аҳли бу йил Наврўзи ҳар қачонгидан ҳам хушнудлик билан қаршилади. Бу ерда барча қўлайликларга эга янги гузар очилди.

Унда беш юз эллиқ ўринга мўлжалланган чойхона, савдо растаси, компьютер зали бор.

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА БАС

Ногирон аёллар ва болалар нодавлат ва нотижорат ташкилоти раҳбари Нарғиза Зиёвуддинованинг бевоСИ-та саъй-ҳаракати билан Термиз шаҳрида ногирон болалар ўқув маркази очилди.

Айни пайтда ўқув марказига олтимиш нафар ногирон бола кундуз кунлари қатнаб, савдоларини чиқаришмоқда. Шунингдек улар ўзларига мос касб-хўналар ўрганадилар. Бўш пайтларда эса турли қизиқарли ўйинлар билан машғул бўлишади.

«ЎЗДЭУАВТО»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ВА КАСАБА УЎШМА ҚЎМИТАСИ




Тармоқ меҳнаткашларини ва барча юртдошларимизни Наврўзи Олам билан муборакбод этади

Қутлуғ хонадонингиздан шоду хуррамлик, файзу барака аримасин!



«Хоразм Шакар» очик акционерлик жамияти акциядорлари диққатига!

2004 йил 23 апрел кунин эрталаб соат 10.00 да Ҳазорасп туман Янгибозор қишлоғи «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамияти биносида акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлади

Жамият акциядорлари реестри 2004 йил 22 март кунин ёпилди.

Акциядорлар ёки уларни вакилларидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончномалари бўлиши керак.

Кузатувчи Кенгашнинг қарорига биноан йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар таклиф қилинади:

1. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамият Кузатувчи Кенгашининг 2003 йилги иш фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида.

2. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятининг 2003 йилги молия-ҳўжалик

фаолияти юзасидан жамият ижория органининг ҳисоботи тўғрисида.

3. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятининг 2003 йилги молия ҳисоботини текшириш юзасидан жамият аудитори «Арнадо-Аудит» аудиторлик фирмасининг хулосаси тўғрисида.

4. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятининг 2003 йилги молия ҳисоботини текшириш юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси тўғрисида.

5. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятининг 2003 йилги молия-ҳўжалик ҳисоботи бўйича жамият балансини тасдиқлаш тўғрисида.

6. «Хоразм Шакар» очик акция-

дорлик жамияти директорининг 2004 йил учун бизнес режасини тасдиқлаш тўғрисида.

7. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятининг 2003 йил якуни бўйича соф фойда тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш тартиби тўғрисида.

8. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятининг 2004 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси тўғрисида.

9. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамияти Кузатувчи Кенгаш таркибини қайта сайлаш тўғрисида.

10. «Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятининг 2004 йил учун аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.

«Хоразм Шакар» очик акциядорлик жамиятининг 2003 йилги молиявий ҳисоботи

Актив:	(минг сўмда)
1. Асосий воситалар	13724758
2. Капитал активлар	3073271
3. Айланма активлар	9754866
4. Дебиторлар	1619327
Жами	28172222
Пассив:	
1. Устав фонди	14200000
2. Заҳира	175444
3. Тақсимланган фойда	-2106471
4. Мақсадли тушум ва фондлар	20158
5. Келгуси давр сарфлари ва тўлов учун резервлар	9967224
6. Узоқ муддатли кредитлар	5369085
7. Қисқа муддатли кредитлар	153534
8. Кредитлар	393248
Жами	28172222

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари эрталаб соат 8.00 дан бошлаб рўйхатга олинади.

Кузатув Кенгаши

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ЧОРШАНБЕ КОЛЛЕЖИДА

малакали мутахассислар тайёрланади



Шахрисабз туманидаги Чоршанбе кишлок хўжалик касб-хунар коллежида айни пайтда етти юз нафарга яқин талаба ўқимокда. Уларнинг билимларини баҳолаш реитинг тизими асосида ташкил этилган. Талабалар ўқини тугаллагач кишлок хўжалик тармоқлари учун малакали мутахассислар бўлиб етишадилар.

Ўқув-услубий шўъбалар кафедраларга айланганлиги талаба-ёшларнинг янада чуқурроқ ва мукамил билим олишларига кенг имкониятлар яратди. Айни кунда шахси ривожлантириш, иктижой-гуманитар, табиий ишлаб чиқариш амалиёти, махсус ва табиий фанлар кафедрлари мавжуд. Илм масканда ёшларнинг билимини мустахкамлашда фанлар бўйича ўқитган танловлар ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Ўқувчиларнинг 5 нафари олий, 21 нафари биринчи тоифага эга. Ўқув йили давомида улар 530 соатлик

маъруза матнлари тўпламини тайёрлаганилари алоҳида таҳсинга лойиқ. Шулардан 9 та маъруза матни «Маъруза матнлари» талловида ишторок этди. Абдусалом Нурсалдов ҳамда Нурали Пулатовлар ҳамкорлигида «Сеҳрли туманлар» рисоласини ёзишди. Ўқувчилар бажарган ишларнинг мониторинг курсаткичлари амалга оширилди.

Коллежда ўқув-амалиёт машғулотлари билан бирга жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилган. Қайта таъмирдан чиқарилган спорт зали ёшлар ихтиёрида.

«Баркамол авлод» мусобақаларида ишторок этиб, вилоятда биринчи ўринни қўлга киритган талабалар стол тенниси, волейбол, футбол турлари бўйича яхши натижаларга эриштилди.

Насиба Норматова коллежнинг ёшлари ва жамоатчи талабаларидан бири. У стол тенниси билан мунтазам шўғулланмоқда. Шунингдек, Фаёза Маълумова, Навбахор Авлоқова, Ўткир Турсунов сингари талабалар ҳам спортнинг бу турига қизиқиш билан қараяптилар. Спорт мураббийси Тошкан Нарзиёв ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишишлари учун куч-гайратини аямаяпти.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, коллеж Халқаро Хамкорлик Банкининг имтиёзли кредити бўйича «Урта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси асосида жиҳозланмоқда. Устахона ва лабораториялари жиҳозлаш поёнига етмоқда.

Айни пайтда бу ерда 10 бош қорамолга мўлжалланган миниферма, қишлоқ хўжалик техникаларини сақлаш бўлими барпо этиляпти. Туман ҳокимлигининг қарорига асосан ўқув ишлаб чиқариш базасини мустахкамлаш мақсадида илм даргоҳига яқин жойдан 10 гектар майдон ажратиб берилди. Бу ерда пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилиб, олинган даромад ўқув маскани эҳтиёжларига сарфланмоқда.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар



Саховат

Сурхондарёда газета ва журналлар ҳамда даврий нашрларга бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда. Бу эҳтиёжни тўла қондириш мақсадида вилоят «Матбуот тарқатиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

БЕПУЛ ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Айни вақтда мазкур жамоада 130 нафардан зиёд ҳодим фаолият кўрсатаётди. Улар томонидан барча нашрлар савдоси ва бошқа чакана савдолар Низом асосида бажариляпти. Шунинг учун бўлса керак, 2003 йил якунида 165 миллион сўмлик чакана савдо режиси 210 миллион сўмга бажарилган. Бу режадан 27 фоиз ортиқ демакдир.

Жорий йил учун аҳолидан 145 миллион сўмдан зиёд маблағ обунага қабул қилинган. Вилоят миқёсида 30 дан ортиқ газета ва журнал дўконлари ишлаб турибди. Кунлик нашрлар дўконлари ва обуначиларга мунтазам равишда ўз вақтида етказилишига эришилмоқда. Бу каби юмушларни бажариш учун жамиятга қарашли «Дамас», «Тико», «Матиз» каби 13 та замонавий автоулов жалб этилган.

Масъулияти чекланган жамиятда ҳодимлар самарали ишлашлари учун барча шарт-шароитлар етарли. Энг асосийси, ишчи-ҳодимлар ўртадаги ахиллик ишининг аъло даражада бажарилишига асосий омили бўлиб хизмат қилаяпти. Маъмурият билан касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномалари бандлари тўлиқ бажаришмоқда. Ойлик маошлари ўз вақтида бериб турилибди. Бундан ташқари, турмушга моддий-маънавий туртки бўладиган рағбатлантиришлар ҳам амалга ошириляпти. Масалан, ўтган йили касба

бу йил махсус дастур ишлаб чиқилиб, мурувват ёрдамлари кўрсатиляпти. Айниқса, Денов, Шеробод, Жарқўрган туманларида компьютер савдо-хонлиги бўйича ноғиронлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул ўқув курслари ташкил қилинганлиги кўпчиликини хурсанд этди. Айни вақтда уларда 20 дан зиёд кам даромадли оилалар фарзандлари компьютер машғулотларида қатнашяпти.

Болалар спортини ривожлантириш, иншоотларни жиҳозлаш билан таъминлашда ҳам маъмурият ва касба уюшма кўмитаси астойдил савий ҳаракат кўрсатмоқда. Хусусан, яқинда Шеробод туманидаги 32-умумтаълим ўрта мактабига юз минг сўмлик ҳомийлик ёрдами берилди.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» муҳбири

Турфа олам

ЧАҚМОҚ УРИШИ ОҚИБАТИДА

Яқинда Сингапурда чақмоқ уриши оқибатида истеъдодли ёш футболчи ҳаётдан қўз юмди. Маълумотларга қараганда, бу машум воқеа маҳаллий «Синчи» жамоаси машғулот ўтказаятган пайтда юз берган. Жамоа футболчилари навбатдаги тур учрашуви олдида машғулот ўтказаятганда омонда қора булувлар пайдо бўлди. Чақмоқ қақиқ, кучли ёмғир ёға бошлади. Лекин табиат инжиқликларига эътибор бермаган «Синчи» мураббийлари ва ўйинчилар машғулотни давом эттиришни маъқул қилди.

Шу пайт осмонни гудиратиб чақнаган чақмоқ жамоанинг хитойлик легионери Цзян Таога тегди. Майдонга ҳушсиз йўқилган 18 ёшли футболчи қайтиб кўзини очмади. Бу кўнгилсиз воқеадан сўнг мамлакат футбол Федерацияси навбатдаги тур учрашувларини бир кунга чеклаётганини лозим топди. Хабарларга қараганда, Сингапур прокуратураси ҳоржиқлик футболчининг ўлими юзасидан жиноий иш қўзғатган.

(ЎЗА)

Охангарон ҳудудий жиҳатдан нафақат вилоят, балки республикамизнинг ҳам энг катта туманларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг қарийб 25 фоизини бошқача қилиб айтганда, 18240 нафарини ўн саккиз ёшга бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Улар ўртасида спорт оммавийлигини таъминлаш, жумладан, болаларнинг жисмоний машғулотларида қўлланадиган катнашчи учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор ишлар олиб бориляпти.

Туманимизда 42 та футбол, 7 та баскетбол, 24 та волейбол, 10 та қўл тўпи майдончалари, 9 та замонавий типдаги ҳамда 38 та мослаштирилган спорт заллари мавжуд. Эътиборлиси, бу иншоотларнинг барчаси ўтган йили жорий таъмирлашдан чиқарилиди. Шунингдек, таълим муассасалари ва маҳаллаларда фаолият юритаётган 173 нафар жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббий ва тарбиячи-педагоглар аттестациядан ўтказилди. Яна бир қувончли ҳолат шунки, кейинги вақтда тумандаги барча қорхона, ташкилот ва хўжаликларда спорт йўриқчилари, қишлоқ фуқаролар йиғинларида эса мураббийлар штати мавжудлигига эришилди. Бу, албатта, сўнгги йилларда олиб борилган ишларнинг, савий-ҳаракатлар натижасидир.

Ихтисослашган мактаб — БУСМда шохмат, стол тенниси, футбол ва миллий спорт ўйинлари бўйича тўғра рақлар ишлаб турибди. Уларга ўнлаб иқтидорли ўғил-қизлар жалб этилган. Шу билан бирга энгил атлетика бўйича ноғирон болалар спорт секцияси муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ушбу секция аъзолари Олмалик шаҳрида ўтказилган вилоят миқёсидаги мусобақаларда фаол ишторок этиб, мутахассисларда илиқ таассурот қолдиришди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маб-лағ хисобидан «Охангарон» ширкат хўжалигининг «Қорахитой» аҳоли пунктида ўн минг ўринли замонавий спорт мажмуи бунёд этилмоқда. Қурувчилар мажмуани Мустақиллик байрами арафасида болажонларга тўхфа этиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Маълумки, спорт иншоотларининг қурул савлати билангина мактабни бўлмайди. Бирон-бир утукка эришиш учун уларни етарли миқдордаги спорт жиҳозлари, ан-

Мустаҳкам ришталар

Туркий халқларнинг муштарак шоири бўлган Мухаммад Фузулий 1498 йили Карбало шаҳрида туғилган. ХУ аср ўрталаридаги кескин сиёсий вазият туйғайли қўллаб элдошлари қатори шоирнинг отаси Мухаммад Сулаймон ҳам шу ерга кўчиб келиб, муқим бўлиб қолган эди.

Фузулийнинг ёшлиги шох ва шоир Исмоил Хатоий ҳукмронлик қилган, озарбайжон тили, адабиёти ва маданияти гуллаган даврга тўғри келади. У бошланғич таълимини устози Ҳабибий қўлига олади. Кейин ўрта асрнинг маданий марказларидан бўлган Бағдод мадрасаларида таҳсилни камолга етказиб, ўзи ҳам мударрислик қилади. Унинг бир ўғли бўлиб, Фазлий тахаллуси билан шеърлар ёзган ва ўз замонида анча шухрат қозongan.

Жуда ёшлигидан қўлига қалам олган Фузулий бой адабий анъанага эга бўлган форсий ва туркий адабиётнинг Ҳоқоний Ширвоний, Мажрим Байлагани, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Хўжа Ҳофиз, Атойи, Лутфий, Навоий каби атоқли сўз санъаткорлари ижодини меҳр билан ўқиб-ўрганиб, уларнинг маҳорат сирларидан баҳраманд бўлади. Шоир ижодига, айниқса, Лутфий билан Навоий кучли таъсир кўрсатган.

Фузулий нукта назарига кўра шоир барча диний ва дунёвий илмлардан хабардор, халқ озаки ижоди, қадриятлари ва анъаналарини чуқур биладиган, дунёқарашни кенг, донишманд ва аллома даражасидаги киши бўлиши керак. Шунинг учун ҳам у шоирлигим муқаррар бўлган, умримнинг бир қисmini сарфлаб, турли илмларни эгаллаган, дейди.

Фузулийдан бизга бой адабий мерос-Девон, «Лайли ва Мажнун» достони, «Шикоятнома», «Бангу бода», «Матлаъ ул-этиқод», «Ҳадиқад ус-суадо», «Сўхбат ул-асмор» каби ўнлаб назмий-нарсрий дурдоналар етиб келган.

Фузулий 1566 йили вабо касалидан вафот этган.

Алишер Навоий каби туркий халқлар орасида Фузулийнинг оташин шеърини кириб бормоган хонандон йўқ. Маълумки, Шарқ халқлари орасида асрлар давомида қиссалардан ва шеърхонлик кечалари анъана турсини олган эди. Бу ўзига хос адабий давраларга, хусусан, ҳофизхонлик, навойихонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик машҳур бўлган. Фузулийнинг газаллари ва «Лайли ва Мажнун» достони туркийзабон халқлар ўртасида кенг тарқалган. Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Ҳофизнинг «Девон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Чор девон» китоблари қаторида Фузулий асарлари ҳам мадрасаларнинг ўқув дастурига киритилган.

Фузулий ўзидан кейинги барча туркийзабон шоирлар, жумладан, ўзбек шоирларига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Фузулий таъсирида, унга эргашиш шеърлар битиш, шоир газалларига назира-татаббуълар ёзиш, мухаммаслар боғлаш деярли барча шоирлар ижодида учрайди.

Фузулийнинг қатор газаллари, мураббалари, мухаммаслари куйга солиниб, асрлар давомида хонандалар томонидан қуйилиб келинмоқда. «Уландан сўр», «Ғамзасин севдин кўнгул...», «Ҳосилим барки ҳаво-дид...», «Фалаклар ёнди оҳимдин...», «Ақл ёр ўлсайди, тарки иш ёр этмазми», «Яна ул моҳ баним олди қарорим бу геча» шулар жумласидан дид.

Маълумки, ҳар бир пайгамбарнинг бир мўъжизаси бўлган. Исо алайҳиссаломнинг мўъжизалари эса ўқиларни тириштириш эди. Шунга ишора қилиб, Шарқ мумтоз адабиётида ўзининг ҳассос, оштанасфа шеърлари билан қўнғилларга ўт соладиган, муз юракларни эритадиган

ФУЗУЛИЙ

буюк маҳорат мактаби мударриси

жаноб туйғулар ўтида поклаб, юксак самовий хисларга ошно қилади.

Фузулий — дилўртар шоир. Унинг шеърларини хотиржам, сокин ўқиб бўлмайди. Бу шеърлар қатида яширин ўғил туйғулар, шоирнинг ҳароратли нафаси, ишқ тандирига айланган ошшқ қалбининг қайноқ ҳовури сизни ҳам қўлга олади.

Фузулий шеърини — буюк бир ишқ чашмаси. Шоир газаллари ана шу чашмадан тўлдирилган лиммо-лим май қадахига ўхшайди. Бу май ўз ич-қучисини масту ҳумор қилмай қўймайди. Шунинг учун ҳам у асрлар давомида шохф-та қўнғиллар куйчиси сифатида ардоқланиб келади.

Фузулий шеърининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, бу шеърларни индан нурлантириб турган қувват манбаи ҳам, уларни жозибали ва сеvimли қилган ҳам — барча-барчаси ишқ. Шоир учун ишқ — устоз, ишқ — шогирд, ишқ — дўст, ишқ — маҳрам, ишқ — ҳаёт мазмуни, ишқ — яшаш шарт, ишқ — инсонийликдан мақсад, ишқ — камолот калити, ишқ — Оллоҳга етиш қафолати, ишқ — қалбдаги гавҳар, ишқ — бошдаги афсар (тож), ишқ — қўлардаги нур, қўйинги, ишқ — ҳамма нарса! Бу ишққа соҳиб бўлиш учун унинг беҳадду беҳисоб синовлари, чек-чегарасиз ранжу машаққатлари, ибтидою иттиҳоси йўқ азобу ҳижронларидан қўрқмайдиган, уларга сабр эта биладиган, маъшуканинг барча нозу қарашларини қўтар оладиган ва бундан инжимайдиган, бу йўлда тақдирнинг найранглари, қару кажрафторнинг турфа ўйинларига матонат билан қийдайдиган мард ва танти, олижаноб ва ҳимматли, журъдатли ва шижоатли ошшқ бўлиш керак. Фузулий ўзини ана шундай ошшқ ҳисоблайди ва бу ошшқлик қошида Фарҳоду Мажнунларни бор-йўғи бир шогирд-вақча санайди. Менинг ишқ йўлидаги шижоатим олдида Фарҳод ўз кўч-қудратидан лоф урмас ва бўлади, чунки у битта тоғни қазиш учун мингта тешани ўтмас қилган бўлса, мен мингта тоғни биттагина тирноғим билан қўпоришга қодирман, дейди:

Кўҳкан кунд айламиш бинг
тешайи бир тоғ илан,
Бан қўпоруш солмишам бинг тоғи бир тирноғ илан.

Ишқнинг мумтоз адабиётда бу қадар улуглишининг сабаби — унинг камолот воситаси эканлигида. Чунки бу ишқ Оллоҳга аталган ва ўз Парвардигорини севган ҳамда унинг васлига интилган, рози-ризолигини истаган банд узидаги қусурлардан қутулишга ва фазилатлар касб этиш-

ўтки, унинг алангасида тиркичилик таъшишлари, кундалик иқир-қикирлар гами, хою ҳаваслар ёниб қул бўлади. Мумтоз адабиётда ўтнинг ишққа нисбат берилиши, улуглиги, ошшқнинг Яратгандан қалбдаги ишқ ўтини янада сарбаланд эти-шини сўраши шундан. Фузулий бу ҳақда ёзади:

Ишқа то душинг, Фузулий,
чекмадинг дунё гамин,
Билки, қайди ишқ эмни домни тааллуқдан наҳот.

Барча мумтоз шоирлар каби Фузулий ҳам инсонни ҳақ йўлдан оздирувчи, унинг камолотига тўсиқ бўлувчи, қалбини ўлдирувчи сифатида дунё, нафс, молу давлатни каттиқ мазамамат этади. Бу дунёга қўнғил бериб, охирида пушаймон бўлмаган киши йўқ. Шунинг учун ҳам ўтмиш сўз санъатида дунё нозу ишва билан ҳаммани йўлдан урадиган, ўзига ошшқу шайдо этакдиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган бевафо маъшукга ўхшатилади. Фузулий ҳам салафлари анъанасини давом эттириб, рубоийларидан бирида дунёнинг аввали ҳирсу охири ҳасратдир, дейди:

Адвори замон доираи ҳайрат
эмниш,
Асбоби жаҳон маҳолиқу меҳнат эмниш,
Дунёя тамаъ этмамак — этмақдин йик,
Чун аввали — ҳирсу, охири — ҳасрат эмниш.

Мана бу машҳур байтда эса шоир дунёни ҳар ким ўзида борини — дунё ахли сийму зарини, хунар ахли фазлу камолини намойиш қилдиган бозорга қиёс этади:

Даҳр бир бозордир ҳар кас
матонин арз ҳанар;
Ахли дунё сийму зар, ахли ҳунар фазлу камол.

Ёниқ бир эҳтирос, ёруғ бир ҳасрат, самимий кечинмалар, нафис туйғулар билан йўрилган, фалсафий теран ва бадиий мукамал бу шеърлар ҳам қандай таъб ахлини ўзига маҳтун этади. Илоҳий бир илҳом бўлмаса, бундай жозиб мисраларни ожиз бандасининг яратганига ишонмайсиз. Фузулий ҳар бир мисрасини образлилик асосига қуради, ҳар бир фикрини бадиий санъатлар билан беэади. Бутун бошли шеърини биттагина ташбеҳ, детал ёки фикр асосига қурадиган навқирон авлод учун Фузулий ижоди айни жиҳатдан буюк маҳорат мактаби ҳисобланади.

Эрғоб ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

Болалар спорти

жонлар билан таъминлаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам мавжуд спорт иншоотларини жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар қадар ҳаракат қилинмиш. Масалан, ўтган

ўтказилаётган қизқарлик беллашувлар анъанавий тус олмоқда. Хусусан, ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ташаббус билан ташкил этилган футбол, шохмат ва шашка мусобақалари каттао қилинган зўр қизиқиш уйғотди. Ушбу мусобақалар самараси ўлароқ ўқувчи ёшларини шохмат ва шашка бўйича вилоят мусобақаларида пешқадамликни қўлдан бермай қелишяпти. 1-мактаб ўқувчилари — Алла Ким, Шахло Давирова, Алвентина Ким Европа ва Осиё чемпионатларида 2 та олтин, 1 та кумуш медал соҳибига айланмишди.

Кези келганда таъкидлаш ўринли, қўлга киритаётган ютуқларимиз қаторида муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Чунончи, барча қўлайликларга эга замонавий футбол бўйингоҳи, теннис кортлари, бассейнлар йўқ, спорт заллари учун тренажёрлар, кураш гиламлари етишмайди. Умид қиламизки, бу муаммолар тез орада ўзининг ихобий енчимини топади.

Т.ЖОНАЕВ,
Охангарон туман болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг бош мутахассиси

АЖОЙИБ БАЙРАМ СОВФАСИ

тика бўйича ноғирон болалар спорт секцияси муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ушбу секция аъзолари Олмалик шаҳрида ўтказилган вилоят миқёсидаги мусобақаларда фаол ишторок этиб, мутахассисларда илиқ таассурот қолдиришди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маб-лағ хисобидан «Охангарон» ширкат хўжалигининг «Қорахитой» аҳоли пунктида ўн минг ўринли замонавий спорт мажмуи бунёд этилмоқда. Қурувчилар мажмуани Мустақиллик байрами арафасида болажонларга тўхфа этиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Маълумки, спорт иншоотларининг қурул савлати билангина мактабни бўлмайди. Бирон-бир утукка эришиш учун уларни етарли миқдордаги спорт жиҳозлари, ан-

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерлари терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида chop этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.